

ИЛҒОР ТАЖРИБА ЭЛ МУЛКИ

Қуни-кеча Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги давлат ижтимоий қурилиш академиясида агросаноат мажмуи тармоқлари раҳбар хўжалиқлари, вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ҳужалиғи бўйича уриб-босарлари, деҳқончилик-саноат уюшмалари раислари иштирокидаги халқаро ўқув-семинар бошланди. Маълумоти республика Қишлоқ ҳужалиғи вазирлиги етакчи мутахассислари, Америка Қўшма Штатларидан келган бир гуруҳ таълимчи олимлар, жаҳон банкнинг қишлоқ ҳужалиғини ривожлантириш соҳаси бош мутахассислари — Марк Рос, Шилхорн Ван Вин, Жозе Фуртало, Римма Данковалар олиб боришмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Қишлоқ ҳужалиғи вазирлиги фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибаларини тарғибот қилиш бош бошқармасининг бошлиғи, қишлоқ ҳужалиғи фанлари доктори, профессор Садир Салимовдан ўқув-семинар моҳияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ўқув-семинар республика қишлоқ ҳужалиғини ривожлантиришда соҳа мутахассисларининг назарий билимларини оширади. Шунингдек, семинарда иккита муҳим масала муҳокама қилинмоқда. Биринчиси республика қишлоқ ҳужалиғини бошқаришда бошқича ривожлантириш, иккинчиси—мажмул ресурслардан самарали фойдаланиш. Бунда хорижий мамлакатлар тажрибаси кенг тушултириляпти. Маълумки, қишлоқ ҳужалиғи ривожлантирилган мамлакатларда эр ерлан кўп ҳосил олинади. Илгич кучи ва меҳнат сарфи ҳам кам. Бизнинг шароитда уларникига қараганда икки, уч баравар камроқтир бор. Фақат деҳқончилик маданиятини янада ошириш зарур.

Агар яқин келажикда ерга ишлов бериш ва ундан турғи фойдаланиш усулларини йўлга қўйса, саховатли заминлардан мул-қул ҳосил олиш имкониятига эга бўлади.

Яқинда вазирликда қишлоқ ҳужалиғининг кейинги беш йилга мўлжалланган аниқ режаси ишлаб чиқилди. Унинг таркибига деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш, уруғчилик ва насличилик ишларини яхшилаш, исоҳотнинг чуқурлаштириш, бошқарувни такомиллаштириш, янги техника ва технологияни кенг қўллаш, кадрларни замон талабига мос равишда тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб бориш масалалари кiritилган.

Асосий мақсад — аввало, қишлоқ ҳужалиғини ривожлантиришнинг бош йўналишини белгилаш, унинг маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини мустахкамлаш, чорвачилик самардорлигини ошириш, аҳолининг озиқ-овқатга, саноатни эса хом ашёга бўлган, эҳтиёжини тула қондириш, моддий ресурсларни турли белгилаш, давлатнинг экспорт имкониятини янада оширишдир. Сўғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш учун ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш мақсадлида 1995-1996 йилларда 50 минг гектар сўғориладиган майдонларнинг умумдорлигини қайта тиклаш ва 25 минг гектарда янги ер улаштириш ишлари белгиланган. Бундан ташқари ҳужалиқлар ҳисобидан ҳар йили 18-20 ми-

габ олинб узвизга бажарилади. Сўғориладиган майдонларда галла ҳосилдорлигини 40-45, кейинчалик 50-80 центнерга етказиш мўлжалланган.

Ғаллачилик соҳасида қўйилган вазифаларни бажариш чет эл билан уруғчилик соҳасида ҳамкорликда иш олиб бориш ва юқори ҳосил берадиган уруғларни етиштириш ҳамда кенг қўллаш ҳисобига таъминланади.

Сабзавот етиштиришда асосий эътибор ҳосилдорликни ошириш, уруғ сифатини яхшилаш, аҳолининг сабзавотга бўлган эҳтиёжини тула қондиришга қаратилди. Қарғишқа етиштирилган кўпайтирилган асосан бутон, пахта ва бошқа эканлардан бўшган ерларга экиш ҳисобига амалга оширилади.

Шунингдек мева ва узумчиликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. Токзорларни 2000 йилда 127,2 минг гектарга етказиш, узум ҳосилдорлигини 1996 йилда 85,6 центнерга, 2000 йилда эса 95 центнерга етказиш қўзда тутилган. Гушт, сўт ва улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам республика аҳолиси талабини тула қондирадиган даражага етказиш муҳим вазифалардан биридир.

Республика «Пилла» уюшмаси жанубий Кореянинг «АДМ корпорейшн» фирмаси билан йилда 500 тонна қорамқул пиллаларини момика айланттирадиган қўшма корхона ташкил этишга киришди. Корхона бир йилда 150 тоннагача қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Маълумоти илгари турли қишлоқ ҳужалиқ маҳсулотларни кўп миқдорда четта чиқиб кетарди. Масалан 1988 йилда пахта толасининг 90 фоизидан ортиғи, деҳқончилик маҳсулотларининг 60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 7,1 фоизи, картошка тузунинг 10,4 фоизи қарамнинг 37 фоизи, поллиз эканларнинг 47,4 фоизи, меванинг 25 фоизи, узумнинг 47,1 фоизи, пилланинг 5 фоизи, жунининг 95 фоизи, қоракўла терисининг 98 фоизи республикадан четта олиб чиқилган.

1996-2000 йилларда қишлоқ ҳужалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва уни тайер маҳсулот сифатида экспорт қилиш имкониятлари кескин кўчатирилади. Пахта толасининг 70 фоизи, қоракўл терисининг 70 фоизи, пиллани 27,5 фоизи, асалнинг 500 тоннасини, узум, поллиз, гушт, сўт маҳсулотларини, қурилган мева ва консерва маҳсулотларини тайер ҳолда четта экспорт қилиш имкони яратилмоқда.

Аҳолини йил давомида сабзавот, поллиз маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадлида жойларда маҳсулот қақшайдиган омборхоналар, маҳсулотни қайта ишловчи кичик цехлар жорий қилинмоқда.

Хўжалиқнинг қарорларини қайта тадбиқ этиш натижасида қишлоқда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи якунланади. Шу даражада 1009 та давлат ҳужалиқлари негизда 471 жамоа ҳужалиғи, 390 ширкат

уюшмаси, 116 та ижара уюшмалари ва 32 та бошқа шаклдаги ҳужалиқлар ташкил этилди.

Маҳсулдорлиги кам 1499 та чорва фермалари хусусийлаштирилиб, уларга 190 минг гектардан ортиқ ер майдони ажратиб берилди. Қишлоқ ҳужалиғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, унинг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш — мулкни хусусийлаштириш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш, деҳқон (фермер) хўжалиқлари уюшмаси ички механизмни такомиллаштиришдан иборатдир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 майдаги 138-сонли фармойиши билан бозор муносабатлари шароитида пахта етиштириш ва қайта ишловини кўчатириш, пахтачилик бошланғич бугунларининг узаро ҳамкорликда ривожланишига эришиш учун Қишлоқ ҳужалиғи вазирлиги тизимида тажриба тарқатилди (Оқолтин, Бешарик, Ромлан туманларида) агрофирмалар тўғрисида.

Агрофирма бошқаруви зиммасига унинг таркибига кирувчи барча ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини узаро мувофиқлаштириб, ҳақ-ҳисобда жаҳон андозларига турли келадиган маҳсулот етиштириш ва уни сотишда амалий ерда бериш каби вазифалар юксатилди.

Республикада иқтисодий ислохотларни ривожлантириш мақсадлида чет эл фирмалари компаниялар билан ҳамкорликда 52 та қўшма корхона, тузилиб, шундан 40 таси маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар.

Уруғчилик тизимини такомиллаштириш асосида ҳужалиқларнинг юқори сифати бошқариш, поллиз-сабзавот ва картошка тузунини билан таъминлаш муҳим вазифа. Мавжуд элита-уруғчилик ҳужалиқлари асосида фирма ва корпорациялар ташкил этилиши қўзда тутилган. Бунда ҳар бир корпорация 4-5 тадан уруғчилик ҳужалиқларини бирлаштириб, узининг махсус уруғчилик заводларига эга бўлади. Уруғ етиштиришнинг янги тизимини жорий этиш маҳсулот сифатини тубдан оширишга имкон беради. Бунинг учун янги навларни яратиш, уруғчилик наҳрини ошириш, уруғчилик етиштириш ва уни экишга тайёрлашда чет эл технологиядан кенг фойдаланиш, уруғчилик ҳужалиқлари ва заводларини етарли миқдорда янги техника, минерал уғитлар билан таъминлаш, туқли қитигини туқсилантириш, саралаш, дорилаш ва сақлаш ишларини янада яхшилаш лозим.

Илгир технологиянинг жорий этиш мақсадлида чет эл уруғчилик фирма ва компаниялари ҳисобига қўшма уруғчилик заводларини қуриш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Уруғчилик заводлари қошда ип йигирув, трикотаж, совун, мой ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда мутахассислар

малакасини оширишга юқори даражада талаблар қўйилапти. Бу билан уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатлари, бошқарувининг илғор усулларини қўллаш учун қўлай шароитлар яратиб берилади.

Америкалик мутахассисларнинг диеримизга келиб ўз тақлиф ва фикр-мулоҳазалари билан урқоклашганлиги тармоқ ривожига салмоқли ҳисса қўшиши аниқ. Улар агросаноат ҳолиларининг назарий билимларини оширибгина қолмай, ҳужалиқларда бўлишиб, ўз билимларини амалда жорий этишга, бош тармоқнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга тайер эканлигини билдиришмоқда.

— Жаҳон банки ҳамкорлигида ўтказилаётган — Ўзбекистонда қишлоқ ҳужалиғини ривожлантириш масалаларига бағишланган ўшбу халқаро ўқув-семинар бизда катта таассурот қолдирмоқда, — деди Наманган вилояти деҳқончилик-саноати уюшмасининг раиси Махмуджон Мирзабоев. — Вилоятимизга чет эл сармояларини олиб келиш, қўшма корхоналар тузиш ҳисси самоа бермоқда. Жўмладан, пахта толасидан юқори сифатли, жаҳон талабига жавоб бера оладиган маҳсулот туқиб чиқарувчи «Асан» қўшма корхонаси, «Друнам», «Дэсин» ва сўнгий мўйна ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар ишини юқори баҳолаш мумкин.

Шунингдек, жаҳон банки лойиҳа-режасига қиритилган «Пахта» дастурига асосан Наманган туманидаги Қозоқжон Солиев номи жамоа ҳужалиғи негизда «Зарбдор» корпорацияси ва «Навоҳор» жамоа ҳужалиғида пахта уруғчилик ва иқтисодланган корпорация ташкил этилмоқда. Тузилган дастурига асосан мажму ҳужалиқларда пахта экиш, етиштириш, тола ва уруғчилик қитиги ажратиш, ерининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, уғитлар билан таъминлаш, қатор ораларини ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириш олишда керак бўладиган техника ҳамда меҳнатчиларни сотиб олиш, мутахассис кадр тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жаҳон банки томонидан ажратилган маблағ моҳибага амалга оширилади.

Корпорацияларда етиштирилган пахта толасини сотиш ҳужалиқнинг ўз ичига қўлади. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Бу эл навидаги пахта уруғчилиғига эътиборни қўчатиради. Республикаси қишлоқ ҳужалиғини ривожлантиришда бундай анжуманларнинг аҳамияти жўда катта.

Сўхбатдош: Раҳмон АҚБАРАЛИЕВ.



КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Шароф Рашидов туманидаги Ш. Рашидов номи жамоа ҳужалиғида ўтган йилги нуқсонлардан тўғри ҳулосалар чиқарилиб, баҳорги мавсумга жишлий тайергарлик қуриляпти. Жўмладан мавжуд 5,5 минг гектар майдоннинг 3,5 минг гектари экишга шай қилиб қўйилди. Ариқ — зовурлар тозаланиб, далалар уғитлантирилди. Ҳужалиқ тасарруфидagi устакхонада ҳам айна пайтда таъмирлаш ишлари қизгин бораляпти. Чунончи, 55 та экиш агрегати, 200 та борона, 15 та қизел, 36 та сеялка ва 39 та ер ҳайдаш тракторлари тайер ҳолга келтирилди.

Техникани баҳорги мавсумга тайерлашда механизаторлар олдда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу борада аввало шунини айтиш жоизки, епик устакхонанинг йўқлиғи сабабли эҳтиёт қисмлар очик ҳавода сақланмоқда. Қишлоқ ҳужалиғи техникаси учун эҳтиёт қисмлар тақчиллиги сезилиб турган бир вақтда бундай аҳволни қуриб, ачиниби кетасан киши. Ҳуш, нега шундай бўляпти?

— Епик устакхона қурилиши учун лойиҳа-смета тузилиб, тасдиқланганига ҳам икки йил бўлди, — дейди бош муҳандис Назар Эрматов. Қурилиш ишлари учун кераклик маблағни ҳам ажратганмиз. Лекин ханузга-ча мутасадди ташкилотлар бу ҳақда ломмий дейишмояпти. Натижада қилган барча ишларимиз сифатсиз ва самарасиз бўлиб қолмоқда.

Қозғолдан иморат қуриб бўлмайди. Равшанки, бозор иқтисоди шароити тежамкорлик, сифат ва самардорлик, мавжуд имкониятлардан тула фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса иқтисодий ислохотларни ҳаёта талдиқ этишдаги бош омиллардан биридир. Бироқ, ҳужалиқдаги механизаторларнинг қайд этишларига, Андижон, Тошкент, Далвирани шаҳарларидаги трактор мотторларини қайта таъмирлайдиган заводлардаги олинаётган тайер қисмлар эгаларига

етмасданоқ таъмир талаб бўлмоқда. — Ана шу заводлар билан шартнома тузиб, маблағ ўтказганлиғимизга қарамой, таъмирга юборатган қисмларимиз е арок-сизига алмаштириб юборилаяпти ёки мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутилиб, яна узимизга қайтарилмоқда, дея ўз фикрини давом еттирди Н. Эрматов. — Бундай масъулиятсизлик оқибатида ҳужалиғимиздаги техника билан боғлиқ бўлган ишлар ўз вақтида уудаланмаяпти.

Юқорида қайд этилган муаммоларни тумандаги бошқа ҳужалиқларда ҳам учратиш мумкин. Вақт кутиб турмайди.

Ҳалемай далаларда баҳорги ишлар бошланиши керак. Бир мулоҳазани айтиш зарур: ҳужалиқлардаги ечимини қутаётган муаммоларнинг бир жиҳати айрим мутасадди раҳбарларга, ташкилотларда, ҳуусан туман «Қишлоқҳужалиқтаъминоттузатиш» корхонасига ҳам бориб тарқалади. Шундай экан, ҳужалиқлардаги мавжуд техникани авайлаб-асраш, улардан самарали фойдаланиш каби ишларда ана шу ташкилотларнинг сай-ҳаракатлари-ю қўллаб-қувватлашлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Бир сўз билан айтганда, баҳорги экиш мавсуми тобора эшик қоқмоқда. Ҳужалиқлардаги муаммоларга тезроқ барҳам бериб, мавжуд имкониятларни, тажрибаларни ишга солиб, қўқламни тахт ҳолда кутиб олиш зарур.

А. КОДИРОВ,

СУРАТДА: Ш. Рашидов номи жамоа ҳужалиғи устакхона мудир Бахтиёр Сунонов (чапдан), таъмирловчилардан Абдусамат Баратов, Абдухамид Қаландаровлар мавсумга тайерланган техника воситаларини яна бир бор қўздан кечирмоқдалар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИГА МУВОФИҚ

Қуни-кеча Тошкентда Марказий Осиё давлатларида чорвачиликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган халқаро семинар-кеңаш иш бошланди. Уни Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиғи фанлари академияси ва лашт миинтақаларда қишлоқ ҳужалиғини тадқиқ қилувчи «Икарла» халқаро маркази (Сурия) ҳамкорликлда уюштирди. Учрашувдан мақсад — Марказий Осиё минтақасида ва «Икарла» илмий маркази, Калифорния университети ҳамда ҳалқаро ташкилотларнинг чорвачилик бўйича мутахассислари ўртасида алоқа ўрнатишдан иборат.

Семинар-кеңашда Ўзбекистон, Қозғоистон, Тоғжикистон, Қирғизистон, Туркменистоннинг, шунингдек Россия Федерациясидаги Краснояр қишлоқ ҳужалиғи илмий тадқиқот институтининг етакчи олимлари ва раҳбарлари иштирок етмоқда. Улар турт кун-

лик машғулотта мўлжалланган дастур бўйича узаро тажриба алмашди, чорвачилик ва чорва қалалиқларига қарши кураш, қоракўчилик, деҳқончилик, ем-хашак етиштириш ҳамда чорва майдонларини сўғориш муаммоларига доир илмий тадқиқотлар ва узаро ҳамкорлик йўналишларини биргаликда ишлаб чиқиди.

— Биз асосий диққат-этиборни чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ва мўлғат зам ривожланишини таъминловчи имкониятларга қаратмоқчимиз, — деди Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиғи фанлари академияси президенти вафизасини бажарувчи академик С. Усмонов. — Бунда сўғориладиган майдонлардан оқилона фойдаланиб мул-қул чорва озуқаси етиштириш ҳал қилувчи ўрин тутади. Марказий Осиё мамлакатларида озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш учун илмий тадқиқотлар савиясини кўтариш керак. Бу борада Ўзбекистонда хусусий чорвачиликни ривожлан-

П. НИШОНОВ,
У. МУХОБЕР.

ПАХТАЧИЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда қишлоқ ҳужалиғига чет эл технология ва сармояларини кенг жалб этиш борасида талайгина ишлар бажарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро тикланиш ва Тараққиёт банки ўртасида тузилган заём турғисидаги битим доирасида пахтачиликни такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш ҳақида»ги қарори бу борадаги муҳим қалам бўлди.

Мазкур банк тақлиф этган лойиҳада пахта уруғчилигини ривожлантириш, усимликларни интеграцион ҳимоя қилиш, сўғоришнинг автоматлашган тизим ердамида бош-

таништирди. Лойиҳани амалга оширишнинг таққидий-тадбирий ва молиявий масалалари юзасидан фикр алмашди. Жўмладан, мажму лойиҳа бўйича иш олиб борадиган ҳужалиқлар жорий йилдан бошлаб пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш, шунингдек, бир қатор солиқлар мажбуриятидан озод этилиши таъкидланди. Пахта толасини эркин наҳрда сотишдан келадиган даромадни лойиҳани амалга ошириш ва кейинчалик заём маблағларини тулашга сарфлаш қўзда тутилган.

Н. ДУШАЕВ,
У.А. МУХБИРИ.



Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати қошда иссиқхона ташкил этилганига ҳали қўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ деҳқончиликнинг сир-синоатини яхши билган Эломас Ашуралиевнинг талбиркорлиги туфайли бу ерда ушлаб турдаги маҳсулотлар етиштириляпти.

СУРАТДА: боғбон Эломас Ашуралиев янги қосила қирган лимонларни қўздан кечирмоқда.

Н. МУХАММАДЖОНОВ,
олган сурат.

БАРАКА МАНБАИ

Турли мулкчилик шакллариининг пайдо бўлиши Сўхонда вилояти Ангор туманидаги чорвачилик корхонасининг ишлаб чиқаришдаги қўнгина муаммоларини ҳал этишга сабаб бўлди. Гушт тайёрлаш ва қоракўл боқиб билан шугулланиб келаятган ҳужалиқнинг бундан бир ярим йил олдин ҳатто давлат буортмисини бажаришга ҳам қўриб етмас эди. Ҳужалиқ жамоа қарори билан очик турдаги акционерлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ишлар юришиб кетди. Яъни ҳар бир ишчининг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги орди. Утган йили режаландан 20 фоиз ошқ гушт етказилди. Топширилган маҳсулотнинг 98 фоизи олий навга қабул қилинди. Бу — ишнинг яхши йўлга қўйилганидан далолатдир. Акционерлик жамияти 95 гектар майдонга йўнгиқча ва галла экиб, чорва молларини ем-хашак билан тула таъминламоқда.

Меҳнатда эришчилган ютуқлар чорвадорлар даромадига ҳам акс етмоқда. Бугунги кунда ҳар бир ишчининг ойлиғи минг сумдан ошиб кетган. Улар ўтган йил сарҳисобидан сўнг уч минг сумдан муқофот ҳам олишди.

(ЎзА.)

ИНСОН ОЛАМ БЕЗАГИ

Шаркининг буюк мутафаккирларидан бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг номи ислом дунёсида ниҳоятда эъзозли ва ардоқлидир. У муҳтарам эзоф 1318 йили Бухородан унча узоқ бўлмаган қўшни Хиндистон қишлоғида таваллуд топди. Ҳозир у жойлар ҳазрат Баҳоуддиннинг шарофати билан қасри Орифон деб юритилади. Ёш Баҳоуддиннинг маънавий отаси бўлиш Бобойи Самосий ўз даврининг буюк алломаларидан Мир Кулол таърибия қилиш учун тошларида. Нақшбанд Баҳоуддиннинг лақаби бўлиб, уни тарихчилар икки хил маънода изоҳлайдилар. Баъзи бирилар матога гул босувчи, нақш берувчи дейишса, иккинчи тоифадагилар ҳазратнинг исломга эътиқодининг баландлигини, бутун жисми, вужуди билан Аллоҳга садоқати, унинг қалбига нақшланиб муҳаббат қопланганлигини, дейдилар. Тарихий асарларида Баҳоуддиннинг хунармандлик билан шугулланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Унинг пириодда ўз меҳнати билан ризқини топиш ётади. У устози Мир Кулолдан етти йил таълим олиб камолга етгани, Халас ота ва Қусам Шайхлардан ҳам сабоқ олганлиги ҳақида маълумотлар бор. У эрта Яратқанининг ўзи балоларни қайтарувчи куч ато этган. Шунинг учун ҳазратни Балогардон ҳам дейдилар. У 1389 йилда Бухоро ақинида вафот этди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий ва илмий мероси уни оламга танитди. Ул эзотнинг таълимоти одамларни фақат яхшиликка ундайди, эзгуликка чақиради. Чунки ҳазрат инсоф, диният, раҳмийлик, меҳнатсеварлик фазилатларининг ҳосилатлари ҳақида башорат қилганлар. Исломи ақидаларига янгиланган киришиб, тарикат макотиби асос солган инсон у. Тарикат учун шариат пиллаво, фақат у орқалигина исломга қиратилади. Демак, Қуръони карим ва Мухаммад алайҳиссаломнинг қурсатмаларига суянади. Тангрига етишсининг йўллари кўрсатилди, ҳуқуқларидан ва анъаналаридан. Ул эзои улуғини «Дил ерда, қўл ишда» (Дил баеру даст барқарор) пири муҳаммад оламида машқур жон бўлди. Нақшбанд ҳазратлари ҳақида жуда кўп асарлар ёзилган. Шулардан бири Мухаммад Боқир ибн Мухаммад Аминнинг «Хожа Нақшбанднинг ҳаёт йўллари» («Мақомати Хожа Нақшбанд» асари) 1401 йилда (804) эзоф тугатди. Демак, ушбу китоб Хожа Нақшбанд вафотидан 13 йил кейин ёзилган. Ана шу китобда тарикатлардан бири «Хожанилар тарикати» бўлиб, унинг асосчиси Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийдир. Нақшбанд хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг туғил йўлини қабул қилди. Гиждувоний вафот қилганида Нақшбанд ҳали дунёга келмаган эди. Ривоят қилишларича, Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ўз руҳи билан Нақшбанд ҳазратларини тарбиялайдилар. Хожа Абдуллоҳиқнинг тарикати асосини 8 суз ташкил қилган. Улар қўйилганлар: Раҳма — фақат «Хўш даромд» — ичкаридан чиқадиган нафас оғоҳлик берувчи, эҳтиёткорлик қилишликдир. Хар бир нафас олганда еки чиқариш Аллоҳни чин дилдан эста олишни аниқлатади. Демак, олам хар сафар нафас чиқарганда еки олаётганда Тангрини эслаб, унга сажда қилиш керак. Аллоҳнинг доимо эста олиш даркор, чунки у кишини сергалантиради. Уш-

Алломалар одоб-ахлоқ ҳақида

табиатда, аста-секин ҳаракат қилиб, етишди. Фаршдага айланди. Ушбу ҳолатни Ҳазрати Эшон Хожа Аҳор пириимиз шундай таърифлайди:

Оғиз бўлса-ю, ичдан қаҳ-қаҳ урса киши нақалар содир, е раб,
Қўз бўлса-ю, жаҳонни қўзсиз қўрса киши,
нақалар содир, е раб,
Оёқ бўлса-ю, оёқсиз жаҳонда юрса киши,
нақалар содир, е раб,
Оёқ заҳмат чекмаса, заҳмат жонга урса киши,
нақалар содир, е раб,
Дилдан Тангрига ҳамлу сано қилишнинг удуғлиги қўлланаяпти. Аллоҳни бутун вужудин билан дейиш шарафланаяпти. Овозин чикариб бақариш даркор эмас, ишдан, қалбдан қаҳ-қаҳ урсанг, бутун жонинг билан Ҳақ таолога сажда қилиб, унинг бағишласан унинг савоби бетак-рордир. Қўз билан эмас, ҳаёл билан Хулоға етишиб жаннат боғларида хаелан сузиб Тангрининг ихтиёрига ўзини топширишининг лаззати беқиссидир. Ҳеч шубҳасиз Тангрини инояти билан, уни едда сақлаб, унга таълимни, сайр қилиш назарда тутилаяпти. Оёқ чарчаса-ю, Тангрини деб, фикрларинг чарчаса, уларнинг эҳ-ҳушларинг, аникроғи бутун жонинг чарчаса, савоби буюк, раҳоби улуд бўлишнинг таъсидиланаяпти.

Раҳма — фақат «Хилват дар анжуман» маъноси ташки томондан халқ билан, ички томондан Ҳақ биландир. Каранг нақалар маъноли, маъзунли ҳулоса, ибратли масаллаҳлар. Ҳаётда, турмушда, одамлар орасида, уларни де, халқ учун кураш, халқни де, унинг маънафати учун бор-йўтини бағишлаб, деган пурқамат маъно келиб чиқади. Ушбу ҳикматнинг аҳамияти томони шунчалик мулоқ, одамларни инсонпарварликка чақиради. Улар ур-тасидлаги яхши муносабатларининг ривожланишига, муҳташам-ланишига сабаб бўлади. «Олам аро одам азиз-лигини ҳисобга олаек», «Инсон олам беағти» нақлини мағзини чақалган бўлсақ, Ҳазрат пириимизнинг ақли до-

нишлиги олдида дол қоламиз, ул зоти улуғнинг тафаскурига таъзим қиламиз. Одамни улудлаш, эзалигимизни англашнинг билдиради. Олам бўлиб, ярадикми, олам бўлиб яшайлик, одамларча фикр юритаёлик, ҳар хил нодонлигу, нопудликлардан ҳоли бўлайлик, деган илтижо нидо келади. Ҳақни дейиш, савоб, Ҳақга суги-ниш асл мусулмонликдир. Қомил мусулмонларнинг бирдан-бир, ягона орузи ва истаги борки, у ҳам бўлса Ҳақни дейишлик, унга таълимидир.

Раҳма — «Еткар» бу зикри лисоний (тил зикри) еки зикри қалбий (дил зикри)дир. Тилдаги зикрдан дилга утиш ҳам муҳим аҳамият касб этиб, доимо тақрорлаб турилишини тақозо этади.

Раҳма — «Бозлаш», маъноси «Ла илоҳа иллоҳу Мухаммадур расулудлоҳини айтгандан кейин «Худовандо, менинг максудим сенсан» сузини айтиди. Бу калима тақрорлангаверса, оқибатда дилга қучади, бунинг натижасида Тангри ва Мухаммад Расулудлоҳнинг номлари киши қалбига муҳаббат қилинади.

Раҳма — «Нигоҳлаш»нинг маъноси «хар хил фикрлардан ҳалос бўлиш, ташқи дунёдан, одамдан ажралаб, нобоп лухушликлардан ҳоли бўлиш ҳам покликдан.

Раҳма — «Елгаш»га аллоҳни доимо едла тутиш кирди. Тангрини доимо едла сажда нафакат мусулмонлигини билдиради, балки туғри йўлда бошлаб, хатоларнинг олди олинади.

Мусулмон дунёсида суфийлик (таъаввуф)да бир қанча сулуклар бор. Шулар ичидан «Нақшбандия сулуки» бўлиб, ушбу йўналишга ҳазрати Хожа Баҳоуддин асос солганлар. Унинг бошқа сулуклардан фарқлари қўйилганча: биринчи-дан, меҳнат орқали тер тўкиб кун кеңиришини тарбия қилади. Ҳадиси шарифда ҳам «Ҳақиқий мусулмон бу дунени деб, у дунесини ташламайди, у дуне деб, бу дунесини қўлдан бермайди» каби қалималарга амал қилади. Иккинчидан, «Нақшбандия сулуки» «зикри олонги» (оничка зикр) эмас, балки «зикри ҳудия» (яширинча зикр) билан шугулланганлар. Учинчидан, «Нақшбандия сулукига мансуб» валилар бемордан касаллиқни уларига олиб, кейин уни даф қилганлар. Туртинчидан, бундай аълиелар қурсатган қароматларини қўз-қў қилишдан қочганлар. Фақат иложсиз, яъни энг зарур, чорасиз қолган пайтидагина қаромат қурсатганлар.

Мана азимлар, Ҳазрат Нақшбанд қароматларидан бир пингил билан Сизларни ошно эдик. Ул зоти мукаррамнинг мерослари бамисли хазина, руҳи покларни доимо биз билан йўлдош, қумқалоқдир. Илоҳим истиқлолимизга пири бузурқоримизнинг руҳлари маънафат бўлсин. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг уғиллари, панд-насихатлари, тарикат йўли одамларни инсофга чақиради, иймонли бўлишга ундайди. Бу эзотнинг йўрдиқлари йўлдан адашганларни туғри йўлга солади. Одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат уйғотадиган, яхшиликлар уруғини оспиб, савобли ишларга йўллайди.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.



Мамлакатимизнинг ҳамма жойида булганидек Яккабоғ туман маданият уйи қошидаги «Назиргули» дастаси қатнашчилари ҳам «Узбекистон — Ватаним маним» курик-танловида фаол иштирок этишмоқда.

СУРАТДА: хонадоналар Н. Суяров, И. Малиев, Б. Холмуродов, О. Йўлдошев ҳамда раққоса Дилшола Назарова навбатдаги чиқишларга ҳозирлик қилишмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МУКОФОТ МУБОРАК

Жондор туманида «Узбекистон — Ватаним маним» танловининг биринчи босқичи якуниланди. Унда иштирок этган юздан зиёд якка ижрочилар ва бадий ҳаваскорлик жамоалари, халқ ҳаваскорлик ансамбллари, хор ва вокал жамоалар уларининг Ватан, истиқлол, Узбекистонни тараннум этган қўшиқлари билан қўлаб мухлисларни ҳушнуд этишди. Биринчи урин узининг мазмундор ва оҳангларга бой қўшиғи билан қўшиқчининг эътиборини қозongan Нуриддин Аҳадовга насиб этди. Голиб кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга қиритиш билан бирга туман ҳокимлиги томонидан таъсис этилган беш минг сўм пул мукофоти, ҳокимликнинг фахрий ёрлиғи, туман маданият ишлари бошқармаси ва Ёшлар иттифоқининг ҳам махсус совринларини олишга муваффақ бўлди. Иккинчи уринга Қасимжон Қурбонов ва Шўхрат Наврузовлар сазовор бўлди. Иккинчи урин соҳиблари ҳам уч минг сўмдан пул мукофоти, ҳомий ташкилотлар томонидан тақдим этилган совғаларни олишга муассар бўлишди. Голиблар вилоятда бўлиб ўтадиган танловда ҳам ўз дастурлари билан иштирок этишади. Учтинчи уринга эса Юлдузхон Турдиева, Насибхон Баротова, Ситора Жураевалар сазовор бўлишди. Улар ҳам икки минг сўм пул мукофоти қўлга қиритишди.

Шунингдек, уларнинг ижролари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган «Нилуфар» болалар боғчисининг тарбияланувчилари, хонадоналар Олмахон Турдибекова, Давлат Муродовлар ҳам минг сўмдан пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Баҳрайнда Осиё ва Оксания зонасида Дэвис кубоги учун мусобақанинг дастлабки уйинлари бўлди. Унда Ўзбекистон ва Баҳрайн теннисчилари учрашди.

Ўзбекистонлик теннисчилар баҳрайнлик теннисчиларни 5:0 ҳисобида енгиб, иккинчи давра уйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга қиритишди. Иккинчи даврада ҳамюртларимиз покстонлик теннисчилар билан куч синашадилар.

Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко ва Темур Хонхужаев каби маҳоратли теннисчиларимиз покстонликларни ҳам мағлубиятга учратишса, бу зонадаги финал уйинлари шу йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА

● НАМАНҒАН. Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига уста қўлоллар ва қўли гул чеварлар муносиб совға тайерлашмоқда. «Олмос» акционерлик жамияти коллективи миллий беэақлар туширилган турли-туман сопол қўзлар, «Чевар» чеварлари эса Амир Темур даврида қийилган нусхаларни дўшлар, Ўст пичоқлари бежирим, қўркам пичоқ совғаларини ҳозирлашмоқда.

● ФАРҒОНА. Сух туманидаги Қалъача ва Ғазнов қишлоқларига табиий газ келди. 700 хонадонда «зангори олов» энди.

● СУРХОНДАРЁ. вилоят оғочлари Абдуллоҳ Каримов номи билан аталадиган бўлди. А. Каримов боғ-роғлар барпо этишда, маданият-маиший иншоотлар бунёд этишда бош-қош бўлган вилоят раҳбарлари эди.

● АНДИЖОН. Алоқа уйи биносида каттак телефони станцияси ишга туширилмоқда. Дастлаб бу комплекс бир ярим мингта яқин миқозга хизмат қилади. Комплекс гулла қўват билан ишлай бошлагач, 60 минг миқоз талабини қондиради.

● ҚАШҚАДАРЁ. Косон шаҳридаги 1-пахта тозалаш корхонаси коллективи хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда гузаоядан картон қозғош ишлаб чиқарадиган қўшма корхонани ишга туширилди.

ДЕРОЗАЛ

Дерозал дон ва бошқа экинлардаги замбуруғли касалликларга қарши курашда юқори самарали фунгициддир.



ДЕРОЗАЛНИ ҚЎЛЛАСАНГИЗ:

— Бошқили донни чанг қоракўяси;
— занг;
— ун шудринг;
— илдиз чирши;
— турул доғ касалликларидан сақлайсиз!

У ўсимлик пояси ётиб қолишининг олдини олади.
ДЕРОЗАЛ
— экинга самарали таъсир этувчи, ишлатиш учун қўлай доридир.

Ғалладан мўл, сифатли ҳосил олмоқчи бўлсангиз Олмонийнинг Ўзбекистондаги вакили — «АгрЭВО» фирмасига мурожаат этинг.

Телефон: (8-3712) 33-35-25.

Жонкуяр тарбиячилар

Асака педагогика билим юрти вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва бир қанча туманлар халқ таълими бўлимларига шартнома асосида болалар боғчаларининг ўзбек, рус, инглиз тиллари учун маънафати тарбиячилар, бошлангич таълим синфлари учун эса ўзбек ва инглиз тилида сабоқ берадиган ўқитувчилар тайерлаб беришни зиммага олди. Бу борада билим юртига Англиз-жон давлат университетини олимлари ердан беради.

У.А.

Бош муҳаррир Неъмат ЁКУНОВ
Рузнома таҳрир хайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Махмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддикжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғибс ҚАЙОМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҚОҒУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСА:
«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗМУСНАОТ»
УЎШМАСИ
ХОМИИ: «ЎЗНИШОРОҚЛИКТАРБИНОТЎЗЛАТИ»
ДАВЛАТ-ШИКАТ ҚИММАСИ
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати»
газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93.
Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Ғ— 0124, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00

«Шарк» наприет-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди

1 2 3 3 4 6